Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 2-may, shanba, № 54-55 (3560)

“Бу ҳаёт, бу умр Амударё сувидек тез ва шиддат билан ўтиб кетар, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси боқий яшайди.”

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири Чой Кёнг Хванни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг вақт синовидан ўтган ишончли ва стратегик шериги эканини таъкидлади. Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлиги ўзаро манфаатли ва самарали хусусиятга эга бўлиб, барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда.

Айни пайтда Корея Республикаси Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, инвестиция ва технология соҳаларидаги асосий шерикларидан биридир.

Жанубий Корея бизнесининг фаол иштирокида мамлакатимизда саноатнинг турли соҳаларида қатор муҳим стратегик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Сурғил конида барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси, шунингдек, машинасозлик, электр энергетикаси, нефт-газ, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати ва бошқа соҳалардаги ўнлаб лойиҳалар муваффақиятли инвестицион ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир. Бугун Ўзбекистонда Жанубий Корея капитали иштирокида тузилган 400 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри инвестициялари умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида ҳам жанубий кореялик шериклар билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. 2014 йилда Тошкентда очилган Инха университетининг филиалида компютер инжиниринги ва дастурлаш соҳаси мутахассислари тайёрланмоқда.

Корея Республикасининг Эксимбанки, Тараққиёт банки, “EDCF” жамғармаси ва бошқа кўплаб етакчи молия институтлари билан ҳам шериклик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Жаҳондаги йирик транспорт компанияларидан бири бўлган “Кореан Эйр” ҳамкорлигида “Навоий” аэропорти негизида халқаро интермодал логистика маркази самарали фаолият юритмоқда.

Оқсаройда ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди. Шу кунларда икки давлат молия вазирлари учинчи мажлисининг ўтказилиши иқтисодий соҳадаги ўзаро ҳамкорликнинг жорий аҳволини чуқур таҳлил этиш ва янги йўналишларини белгилаш имконини бериши таъкидланди.

Чой Кёнг Хван давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Корея Республикаси Ўзбекистон билан серқирра ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини билдирди.

ЎзА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасидаги эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларини янги ижодий марралар сари илҳомлантирмоқда.

“Туркистон” саройида 1 май куни “Олтин қалам” Х Миллий мукофотининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий ўқув юртларининг журналистика факултети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.



ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШГА УНДАЁТГАН ТАНЛОВ

“Олтин қалам” Х Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини янада кучайтиришнинг муҳим воситаси сифатида миллий журналистикани изчил ислоҳ этиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид миллий қонунчиликни давр талабига мос равишда такомиллаштириш, медиа тузилмаларни жадал ривожлантириш, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Иккинчи жаҳон уруши йилларида хотин-қизларнинг ҳам елкасига тоғдек юк ортилган. Ўзбекистондан тўрт ярим мингдан ортиқ хотин-қиз оловли жанггоҳларга йўл олган. Уларнинг аксарияти шифокор, разведкачи, алоқачи, ўқчи сифатида хизмат қилган. Шифокор Муқаддам Ашрапова улардан бири.

ЯРАЛАРГА МАЛҲАМ, ТИНЧЛИККА ҲАМДАМ ЭДИ

Муқаддам Ашрапова 1919 йил 17 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Саидашрафхон замонасининг илғор зиёлиларидан бўлиб, адабиёт ва санъатга қизиққан. Кўпинча уларнинг уйида шоирлар, ҳофизлар йиғилишган. Айниқса, эл-юртга танилган Мулла Тўйчи ҳофиз келганида ҳовли қўни-қўшнилар билан тўлиб кетар экан.

Саидашрафхон отанинг беш қизи бўлган, Муқаддам тўртинчиси эди. Опалари каби у ҳам дастлабки саводини отаси қўлида чиқарган, сўнг мактабга борган. Мактабни битириб, ТошМИга (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) ўқишга киради.

(Давоми 3-саҳифада).

ФАРМОН ВА ИЖРО

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, санаторийларда соғломлаштиришни ташкил этиш йўналишларида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари касаба уюшмалари томонидан манзилли ижтимоий қўллаб-қувватланмоқда. Тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш ҳисобига уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун тизимдаги 15 та санаторийда қулай шарт-шароитлар яратилди. Бугунгача касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мазкур санаторийларда “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари” бўлимлари ташкил этилди.

Айни кунларда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мамлакатимиз ҳудудларида “Касаба уюшмалари — фахрийларга” анъанавий акцияси ўтказилмоқда. Мазкур акция доирасида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 300 нафарга яқин уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионерларнинг бепул йўлланмалар асосида соғломлаштирилиши ташкил этилди. Хусусан, Тошкент вилоятининг “Ботаника” ҳамда “Бўстон” санаторийларига ҳам 100 нафарга яқин отахон ва онахонлар қабул қилиниб, сифатли соғломлаштирилиши амалга оширилмоқда. Мазкур акция доирасида улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, совға-саломлар топширилди. Ажойиб даврадаги дам олиш онлари суратларга муҳрланиб, эсдалик учун уларга тақдим этилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан мазкур санаторийда қайта қурилиб, фойдаланишга топширилган 6 қаватли замонавий иншоот, “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари” бўлими кексаларимиз учун муносиб туҳфа бўлди. Хусусан, сиҳатгоҳда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида жаҳон андозалари талабига жавоб бера олувчи даволаш ва ётоқ бинолари, физиотерапевтик даволаш бўлими ҳамда ошхона барпо этилиб, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари учун кўрсатилаётган хизматлар ҳамда соғломлаштириш сифати ва самарадорлиги янада оширилди. 134 ўринга мўлжалланган 6-ётоқ биноси қайта қурилиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Бинонинг биринчи қаватида янги физиотерапия бўлими ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан қарийб 5 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, санаторий ҳудудида кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, даволанувчиларнинг мароқли дам олиши учун сунъий шаршара барпо этилди.

(Давоми 3-саҳифада).

БОЛАЛАР СПОРТИ

Спорт — юрт довруғини дунёга таратувчи, миллат келажагининг соғломлигини белгиловчи омил. Шу боис ҳам мустақиллик йилларида аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги, 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари соҳа ривожига хизмат қилувчи ҳаётбахш дастурларга айланди.

БАРКАМОЛЛИК МАКТАБИ

ЯҚИН ЎТМИШДА

— Илгари спорт тушунчасини кўпчилик тор маънода қабул қиларди, — дейди Андижон тумани Бўтақора қишлоғида яшовчи Ғуломжон Қаҳҳоров. — Ҳатто аксарият мактабларда спорт зали йўқ эди. Жисмоний тарбия дарслари асосан очиқ стадионда футбол, ёмғирли, қиш-қировли кунларда эса шашка ўйнаш деб тушуниларди.

Эсимда бор. Бир йили мактабда ўқийдиган ўғлим: “Ўн-ўн беш дўстим билан бир ойдан кейин туман миқёсида ўтадиган мусобақага тайёрланишимиз керак экан. Мен кураш бўйича қатнашаман", деб қолди. Беллашувга тараддуд кўриши учун бирор-бир муассасага жўнатай десам, яқин-атрофда спорт иншоотининг ўзи йўқ. Ўзим ҳам бир пайтлар кураш билан шуғулланган эдим. Шу қўл келди. Ўйлай-ўйлай маҳалламиз фаоллари билан маслаҳатлашиб, ҳудуддаги фойдаланилмай турган эски чойхона биносида болалар билан машғулот ўтказишни режалаштирдик. Бисотимизда ундан-бундан сўраб олган икки дона спорт тўшаги бор, холос. Бир ой қаттиқ тайёргарлик кўрдик. Натижада, маҳалламизнинг уч боласи туман босқичида ғолибликни қўлга киритди. Бундан жуда қувондик. Ўшанда “Арзимас тайёргарлик билан шу натижага эришдик. Агар етарли шарт-шароит, имконият бўлса, спортнинг бошқа турлари бўйича вилоят, республика миқёсидаги беллашувларда бемалол қатнашиш ҳам мумкин экан-да", деган фикр хаёлимдан ўтганди.

(Давоми 5-саҳифада).

ФАВВОРАЛАР САЙЛИ

ОСУДАЛИК ТАРАННУМИ



Тошкент ва Самарқандда 1 май куни “Фавворалар сайли” ёшлар оммавий-маданий тадбирлари ўтказилди.

Пойтахтимиздаги 14 та йирик фаввора атрофида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, рақс ва театр гуруҳлари иштирокида оммавий-маданий тадбирлар, турли танлов ва викториналар ташкил этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, фавворалар кишига ҳузур бахш этиш, чарчоқни чиқариш ҳамда кайфиятни кўтариш каби қатор хусусиятларга эга. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, кечқурунлари гўзал фаввора жилосига тикилиб, баҳра олган одамнинг қон айланиш тизими ва мия фаолияти яхшиланади, асаблари тинчланиб, асаб тизими билан боғлиқ бир қатор касалликларнинг олди олинади.

Уйғониш — Шарқ Ренессанси сифатида таърифланган, ер юзининг сайқали саналган Самарқандда соҳибқирон бобомиз саъй-ҳаракати билан бунёд этилган кўшку саройларда, шаҳар атрофидаги Боғи Дилкушо, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Шамол, Боғи Чинор каби бир-биридан муҳташам боғларда ўша замон меъморларининг нодир ижоди бўлмиш биллур фавворалар бўлган. Маҳобатли масканларга кўрк берган бу фавворалар унчалик пурвиқор бўлмаса-да, гўзаллиги билан дилларга ором бағишлаган. Ўз даврида фавворалар ёйсимон, тўртбурчак шаклларда бўлиб, асосан қудуқ, чашма, ҳовуз каби сув иншоотлари яқинида барпо этилган, атрофи ва ичи тўқ қизил ҳамда оқ мармар тошлар билан, ҳовуз атрофлари эса ҳар хил рангдаги мармар тошлар, ранг-баранг гуллар тасвири билан безатилган. Уларга қуйиладиган ариқчаларнинг қирғоқлари ҳам мармар тошлар билан қопланган. Сув махсус сопол қувурлардан келиб, ҳовузларга тушиб, ариқчалар орқали ташқарига оқиб чиққан.

(Давоми 6-саҳифада).

2015-yil 2-may, shanba, № 54-55 (3560), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШГА УНДАЁТГАН ТАНЛОВ





(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини янада изчил таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш юзасидан масъулиятини кучайтириш, улар фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор этишда янги имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган кўриктанловлар, ижодий лойиҳалар журналистларнинг касб маҳоратини юксалтириш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таҳлилий ёндашув асосида тайёрланаётган ранг-баранг материаллар кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Танловнинг Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлангани ҳам унинг нуфузини оширишда катта аҳамиятга эга. Танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Uzreport" ахборот агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танловнинг асосий мақсади журналистиканинг энг илғор ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиши ҳамда журналистларда танқидий фикрлаш, ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантиришдан иборат. Танловда ўтган йиллар давомида 4 минг нафарга яқин журналист 51 мингдан ортиқ ижодий иши билан қатнашди. Ҳозиргача ўтказилган тўққизта танловда 207 нафар журналист "Олтин қалам" Миллий мукофоти соҳиби бўлди. 60 нафарга яқин журналист халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди.

"Олтин қалам" Х Миллий мукофоти учун халқаро танловда 676 журналист 15 мингга яқин материали билан қатнашди. Улар сафида бош Миллий мукофот соҳиби, телевидение, радио, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблар, шунингдек, "Энг яхши матбуот хизмати" ва "Энг яхши фоторепортаж учун" рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиблари аниқланди.

Танлов ғолибларини мукофотлаш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

"Uzreport TV" телеканали "Олтин қалам" Х Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда Бош мукофотга лойиқ деб топилди. Телеканал жамоаси махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, мамлакатимиздаги тинч-осойишта, ижтимоий барқарор муҳит барча соҳалар қаторида миллий журналистикани ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди "Uzreport TV" телеканали бош директори Равшан Жўраев. — Юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан халқимизни баҳраманд этиш, ватандошларимизда юрт тақдири, унинг келажаги учун дахлдорлик туйғусини кучайтириш, ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб камолга етказиш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан ишончли ҳимоялаш зиммамиздаги масъулиятли вазифадир.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолибларига диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ҳамда пул мукофотлари топширилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Истиқболли авлод" ижтимоий ахборот марказининг ҳам мукофотлари топширилди.

Танловда БМТ, ЮНЕСКО, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, "Минтақавий мулоқот" (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз мукофотлари билан иштирок этди. Бир гуруҳ журналистлар ушбу ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

ТАДБИР

ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон темир йўллари" компаниясининг электрификация лойиҳаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда компания бошқаруви раҳбарлари, тегишли корхона-ташкилотлар, бошқарма масъуллари иштирок этди.

Ўтган вақт давомида "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштиришга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишга асосий эътиборни қаратди.

"Мароқанд-Қарши", "Қарши-Термиз", "Самарқанд-Бухоро" электрлаштириш лойиҳалари ҳамда янги "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўл қурилиши ишларининг бажарилишида юқори кўрсаткичларга эришилди. Бу йўналишда компанияга қарашли қурилиш-монтаж корхоналари иш олиб бормоқда. Хусусан, "Мароқанд-Қарши" темир йўл участкаси электрлаштириш лойиҳасини амалга оширишга қурилиш-монтаж корхоналарининг 160 дан ортиқ ишчиси жалб этилган бўлиб, улар қулай меҳнат шароити билан таъминланган. Ўтган йилда темир-бетон таянчлар ўрнатиш ишлари тугатилди. Ушбу йўналишда илк тезюрар поезднинг қатнови Мустақиллик байрами арафасида йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Шунингдек, "Ангрен-Поп" йўналишида ҳам электрлаштириш ишларининг биринчи босқичи ўз ниҳоясига етган. Жумладан, 39,5 км. масофада электрлаштириш ишлари тўлиқ амалга оширилиб, шу кунга қадар 50 километрлик юқори кучланишли контакт тармоқларнинг ҳаво линияси ҳам қуриб битказилди. Бунга 250 нафар тажрибали мутахассис, 30 дан ортиқ замонавий махсус техникалар жалб этилди. Таъкидлаш лозимки, ишчи-ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Уларнинг дам олиши учун барча шароитга эга 8 та махсус вагон ажратилган. Келажакда лойиҳанинг ишга туширилиши 400 дан ортиқ иш ўринларини яратиш имконини беради.

Анжуманда темир йўлларни электрлаштиришда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан фойдаланилаётгани эътироф этилди. Бу эса ишнинг сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширилишига хизмат қилмоқда.

Тадбир қизиқарли маълумотларга ва савол-жавобларга бой бўлди.

Раъно МАҲКАМОВА,
"Ishonch" мухбири

"EXPO MILANO 2015"

Италиянинг Милан шаҳрида 1 май куни "Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмаси тантанали равишда очилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ Жаҳон кўргазмасида мамлакатимизнинг муносиб иштирок этишига катта тайёргарлик кўрилди. Ўзбекистон салоҳияти ва қудрати, тарихи ва тараққиёти, халқимиз маданияти ва санъатини ўзида мужассам этган миллий павилон яратилди.

МИЛАН ШАҲРИДА ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, кўргазмада Ўзбекистон Миллий павилони 500 квадрат метр жой эгаллаган. Унда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, эркин индустриал-иқтисодий зоналари ва қулай инвестиция муҳити, ривожланган транспорт ва логистика инфратузилмаси, бой маданий мероси, тарихий ва замонавий шаҳарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада, шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ғалла мустақиллигига эришиш, биологик соф мева-сабзавотлар етиштириш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги ишлар самаралари кўрсатилмоқда.

Миллий павилонда мамлакатимизда озиқ-овқат тайёрлаш, гўшт, сут, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, зираворлар ва доривор ўсимликлар, шунингдек, ўзбек миллий таомларига оид маълумотлар ҳавола қилинмоқда. Ҳар бир бўлим мавзуси бўйича тайёрланган қизиқарли филмлар ва роликлар доимий намойиш этилмоқда. Бу жиҳатлар "Дунёни озиқлантириш, ҳаёт учун қувват" шиори остида ўтказилаётган жаҳон кўргазмаси мақсадига мосдир.

Жаҳон кўргазмасида 150 га яқин мамлакатдан мингдан ортиқ компаниялар иштирок этмоқда. 31 октябрга қадар давом этадиган ушбу форумга 30 миллиондан зиёд киши ташриф буюриши кутилмоқда.

"Expo Milano 2015" жаҳон кўргазмаси мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳиятини дунёга кенг намойиш этиш баробарида, озиқ-овқат саноатидаги халқаро талаб ва эҳтиёжларни чуқур ўрганиш, янги ҳамкорлар топиш, экспорт жўғрофиясини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

ЎзА

ДАВРА СУҲБАТИ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида "Меҳнат муҳофазаси соҳасида профилактика маданиятини биргаликда юқори даражага кўтарамиз" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик ва ҳамкор ташкилотлар мутасадди вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбати бирлашма кенгаши раиси У.Жалменовнинг кириш сўзи билан бошланди. Республика меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги масъул ходими Қориу Қоймулдоев муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ҳамда ижтимоий шерикликни кучайтириш орқали ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш борасида тўхталиб, иштирокчиларга аниқ тушунчалар берган бўлса, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси республика ҳудудий инспекцияси бошлиғи Ниетбой Палўаниязов ишлаб чиқариш корхоналарида саноат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қимматли фикрларни билдирди.

— Меҳнат муҳофазаси, ходимларга қулай иш шароитини яратиш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади, — дейди бирлашма меҳнат муҳофазаси бўлими етакчи мутахассиси Бекполат Утепбергенов. — Маълумотлар шуни кўрсатаяптики, касаба уюшма ташкилотлари фаол ва кенг кўламда иш юритаётган корхоналарда хавфсиз меҳнат шароитларини кафолатлаш даражаси анча юқори. Иш берувчи ва касабақўм етакчиси, хавфсизлик техникаси ҳамда меҳнат муҳофазаси бўлимларининг ҳамкорликда иш олиб бориши кутилган натижаларни бераяпти.

Давра суҳбатида ижтимоий шерикликни янада кучайтириш орқали ишчи-ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

***

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий ҳамкорлар, алоқадор идора ва ташкилотлар мутахассислари, суғурта идоралари вакиллари, касаба уюшма фаоллари иштирок этди.

Унда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътибор қаратиш, ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш, меҳнат муҳофазасига оид қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоат назоратини ўрнатишда ижтимоий ҳамкорлик хусусида фикрлашиб олинди.

Фаолиятни намунали тарзда ташкил этган "Самарқанд автомобил заводи" МЧЖ, "Самарқанд электртармоқлари" ОАЖ, Самарқанд магистрал газ қувурлари бошқармаси иш тажрибаси слайдлар орқали намойиш қилинди.

Меҳнат муҳофазаси меъёрлари борасида амалиётда қўлланилаётган услуб ўзини тўла оқлаётир. Бу давра суҳбати иштирокчилари мулоҳазаларида ҳам ўз ифодасини топди.

— Хавфсизлик маданияти ва меҳнат гигиенасига амал қилиш, бу борадаги муаммоларни ижтимоий шериклик асосида ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи Бегзод Бегматов. — Жамоа шартномаларига меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда киритилаётгани катта самара бераётир. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар миқдори камаймоқда.

Ўз мухбиримиз

***

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ташкил этилган давра суҳбати доирасида иштирокчилар учун меҳнат муҳофазасига оид кўргазма ташкил этилди.

Тадбирда давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, касаба уюшма фаоллари, нефт-газ ва геология, алоқа, энергетика, кимё, транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандислари ҳамда касаба уюшма қўмита раислари қатнашди.

Таъкидландики, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш, ходимларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароитини яратиш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат муҳофазаси ҳолатини яхшилаш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада иш берувчилар масъулиятини янада кучайтириш, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги билимини ошириш, уларни сифатли махсус кийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан вақтида таъминлашга эътибор кучайиб бормоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларга хавфсиз, соғлом иш шароитини яратиш, меҳнатини муносиб муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини таъминлаш мақсадида иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасида имзоланган жамоа шартномаларига асосан ўтган йилда 13 млрд. 205 млн. сўм маблағ сарфланганлиги муҳим омил сифатида қайд этиб ўтилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар ва вазифалар ходимлар ҳаёти ва соғлиги устуворлигига эришиш ҳамда бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича профлактик чора-тадбирларни белгилашда ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Анвар ХЎЖАҚУЛОВ,
Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

***

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, соғликни сақлаш бошқармаси, вилоят "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, вилоят синов ва сертификатлаш маркази каби бир қанча манфаатдор идоралар вакиллари қатнашди.

Уни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Шуҳрат Халилов кириш сўзи билан очиб, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Иштирокчилар томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича ечимини кутаётган баъзи муаммолар ва соҳага доир таклифлар ўртага ташланди.

Давра суҳбати қизғин баҳс ва мунозара тарзида кечди.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

***

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам ҳамкор ташкилотлар, алоқадор бошқармалар, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида ходимларга хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитлари яратилишига қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда 100 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хавфсизлик техникаси муҳандислари, бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раислари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати жараёнида корхоналар томонидан фойдаланилаётган махсус кийимлар, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари каби маҳсулотларнинг кўргазмаси йиғилганлар эътиборини тортди.

Касаба уюшмалари томонидан бундай тадбирларнинг вилоятда доимий равишда ўтказилаётгани аҳоли меҳнатини янада енгиллаштириш, ишчи-ходимларнинг ишлаб чиқариш соҳасида эришаётган ютуқларида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Раҳимжон СОДИҚОВ,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

***

Меҳнат муҳофазаси нима? Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, меҳнат муҳофазаси уч қисмга бўлинади. Биринчидан, тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлигини таъминловчи воситалар тизими. Иккинчиси, хавфсизлик техникаси — ишлаб чиқариш омиллари таъсирининг олдини олишга қаратилган техникавий воситалар ва ташкилий чоралар. Кейингиси эса, санитария-гигиена — ишлаб чиқариш ва саноат-санитарияси қоидалари асосида ишларни ташкил этиш билан боғлиқ.

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтказилган давра суҳбатида шу каби жиҳатлар атрофлича муҳокама қилинди. Тадбирда соҳа масъулларининг мавзуга оид қизиқарли маърузалари тингланди.

Музокараларда сўзга чиққан меҳнат жамоаларининг мутасадди вакиллари меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилишнинг афзалликлари хусусида фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларини билдиришди.

Давра суҳбати якунида кун тартибидаги масалалар ижроси юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 2-may, shanba, № 54-55 (3560), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЯРАЛАРГА МАЛҲАМ, ТИНЧЛИККА ҲАМДАМ ЭДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

...Талабалар битирув кечасига тайёргарлик кўраётган эди. Тўсатдан бошланган уруш уларнинг кўпчилигини фронтга тортиб кетди. Ариза берганлар орасида икки дугона — Анвара ва Муқаддам ҳам бор эди. Анвара фронтга, Муқаддам эса Тожикистоннинг Конибодом тумани Қароқчиқум қишлоғига ишга жўнатилади. Дугонасини фронтга кузатар экан, бу ердаги ишларни йўлга қўйгач, тез орада ўзи ҳам урушга юборишларини сўраб ариза беришини айтади. Конибодомда Муқаддам бир қатор масъулиятли юмушларни сидқидилдан бажариб, эътиборга тушади. Ёш шифокорни 1942 йили Конибодом тумани соғлиқни сақлаш бўлимига мудир қилиб тайинлашади.

Муқаддам кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қилади. Нажот кутганларга қишинёзин тиббий ёрдам кўрсатиш учун гоҳ аравада, гоҳ отда, гоҳ пиёда юриб яраларига малҳам бўлади. Уларнинг миннатдор кўзларига боқиб кўнгли таскин топар, раҳматларини эшитганда бениҳоя хурсанд бўлар эди.

Орадан икки йил ўтар-ўтмас у кўнгиллилар қатори фронтга йўл олади.

Муқаддам Ашрапова уруш йилларини хотирлаб, шундай ҳикоя қилган эди: “Армия хизматига кўнгилли бўлиб ёзилганимдан сўнг, 1943 йил февралда ўқишга кетяпман, деган баҳона билан уйдагиларни аранг кўндириб, урушга жўнадим. Фақат мендан “уч бурчак хат” олишгандагина уйдагилар фронтда эканимни билишган. Отам раҳматли мендан ранжиш ўрнига “Ўғлим йўқ деб ўксиб юрардим. Сен менинг ҳам ўғлим, ҳам қизимсан, мард бўл, тўғри бўл! Олгин-у олдирмагин, омадингни берсин, она қизим!”, деб ёзар эди ҳар сафар хатларида. Отамнинг бундай меҳрга тўла мактубларини олганим сари кўнглим тоғдек кўтарилар, бурчимга бўлган муҳаббатим тағин ҳам ошарди”.

Муқаддам фронтнинг Москвадан Карпат тоғларигача бўлган оғир ва машаққатли йўлини босиб ўтди. Курск, Орёл, Львов ва Ғарбий Украина ерларини озод қилишда қатнашди. Жасур аёл бутун вақтини госпиталларда, тиббий санитария батальонларида ўтказади. Минглаб жангчилар ҳаётини сақлаб қолади.

Довюрак ўзбек қизи, қалбида мардлик ва жасорат барқ урган олижаноб инсон Ватанни ҳимоя қилган аскарлар қаторида жонажон Ўзбекистонига ғалаба билан қайтади.

У ўзи ўқиган тиббиёт институтида жарроҳлик кафедраси ассистенти бўлиб иш бошлайди. Изланишлар, орттирилган тажриба, машаққатли меҳнатлари самарасида Муқаддам Ашрапова тиббиёт фанлари номзоди ва фан доктори илмий даражаларига эришди. Унинг раҳбарлигида ўнта номзодлик ва докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ўзбекистон фан арбоби унвони соҳибаси эди.

Муқаддам опа ҳаётни, санъат ва адабиётни севар эди.

Мен Муқаддам опани самимий инсон, ўз соҳасининг билимдони сифатида билардим. Бу камтар, фидойи, беғубор аёл билан кўпгина тадбирларда бирга бўлганмиз. Ёш авлод опанинг жанг хотираларини берилиб тинглашганига кўп гувоҳ бўлганман. Бугунги тинч, осуда ҳаёт, ёруғ кунларнинг қадр-қиммати нечоғли аҳамиятли эканини қайта-қайта айтарди.

Муқаддам опа жамоат ишларида ҳам фаол эди. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши, жарроҳлар жамияти бошқаруви, хотин-қизлар қўмиталари аъзоси, маҳалла маслаҳатчиси сифатида бажарган ишлари кўпларга намуна бўладиган даражада эди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар ва бедарак йўқолганларни ёд этиш, хотирасини абадийлаштириш ишларида фаол эди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юрт тинчлиги ва озодлиги учун жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимиздаги Хотира майдонида Мотамсаро она ҳайкалини барпо этиш масаласи қўйилганда бошқалар қатори опа ғоят суюнган эди.

Мотамсаро она ҳайкали қад ростлаб, Мангу олов порлаб, ёнидан “Хотира” китоби ўрин олгач, унинг очилиш маросимида қатнашиб келган Муқаддам опа: “Бугун кўнглим таскин топди, қанчадан-қанча турмуш ўртоқларини урушда йўқотган бевалар, отасиз қолган фарзандлар, яқинларидан жудо бўлганлар энди шу ерга келиб улар руҳига Қуръон бағишлаб кетишларига имкон яратилди. Бунинг учун Президентимизга раҳмат, халқимизнинг дуосини олдилар”, — деган эди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, фидойи олима, Ўзбекистон фан арбоби Муқаддам Ашрапова тимсолида юзлаб ўзбек хотин-қизларининг жасорати намоён бўлади. Муқаддам опа каби матонатли аёлларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг хотираси ёш авлод учун ҳамиша намуна мактаби бўлиб қолади, жанг майдонларида кўрсатган жасорати сўнмайди, улар доимо қалбимиз тўрида яшайди.

Эркин БОҚИБОЕВ,
Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши раиси.
(ЎзА)



КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Барча даволаш хизматини ўз ичига олган замонавий даволаш ва ванна бўлимлари, тўрт ва беш қаватли кўркам ётоқ бинолари, 500 ўринли иккита залдан иборат ошхона, кутубхона, рақс клуби, “Маънавият” хоналарининг дам олувчиларга сифатли хизмат кўрсатиши таъминланмоқда, — дейди “Ботаника” санаторийси директори ўринбосари Салима Шералиева. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ботаника” санаторийсида “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари” бўлимининг ташкил этилиши эзгу ва хайрли ишлардан яна бири бўлди. Замонавий ва барча қулайликка эга мазкур бўлимда фахрийларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва мазмунли ҳордиғини таъминлаш учун барча шароит муҳайё. Хусусан, бўлимдаги ҳар бир хона, сануззеллар, ювиниш хоналари фахрийлар имкониятига мослаштирилиб, замонавий юмшоқ ҳамда қаттиқ жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, уларга қўшимча ёруғлик мосламалари, тўғридан-тўғри навбатчи шифокор билан боғланиш имконини берувчи алоқа воситалари ўрнатилган. Фахрийларнинг дам олиш ва даволаш муолажаларини олишида қулайликлар яратиш мақсадида муолажа, уқалаш, физиотерапевтик даволаш хоналари ётоқ бинолари билан ёнма-ён ташкил этилиб, фахрийлар учун қўшимча равишда малакали тиббиёт ходимлари бириктирилди. Улар томонидан фахрийларнинг кундалик саломатлиги назорат қилиб борилиши таъминланмоқда. Фахрийларнинг овқатланиши учун эса алоҳида ошхона зали ташкил этилиб, уларнинг талаб ва хоҳиши асосида бюртмали ҳамда парҳезли, табиий маҳсулотларга бой овқатлар тайёрлаб берилиши йўлга қўйилди.

Шу ўринда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тизимдаги санаторийларда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш ишларининг даражаси ва сифатини ошириш, уларнинг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг махсус қарори қабул қилиниб, тасарруфдаги барча санаторийларнинг моддий-техник негизи янада мустаҳкамланмоқда. Уларнинг ҳар бирида даволаш муолажалари ўтказиладиган жойларга яқин, имкон қадар пастки қаватларда “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари” бўлимлари ташкил этилди. Ҳар бир санаторий қўшимча 10 тадан ногиронлик аравачаси билан таъминланиб, фахрийлар олиб бориладиган даволаш, ётоқ ва ошхона бўлимларида ногиронлик аравачалари ҳаракати учун йўлаклар ташкил этилди. Санаторийлардаги рўйхатхоналарда фахрийларнинг навбатсиз қабул қилиниши йўлга қўйилиб, улар учун кузатиб борувчи масъул ходим белгиланди. Шунингдек, фахрийлар учун даволаш муолажаларининг навбатсиз ташкил этилиши йўлга қўйилиб, даволаш бўлимларида улар учун алоҳида махсус муолажа хоналари (бўлинма) ташкил этилди. “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари” бўлимларига қабул қилинувчи отахон ва онахонларнинг кундалик ахборот ва янгиликлар билан танишиб боришини таъминлаш мақсадида ҳар бир хона телевизор ва радио билан таъминланди ҳамда газета ва журналлар етказиб берилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, санаторийларда фахрийлар иштирокида икки авлод учрашувларини ташкил этиб бориш, атоқли ва ёш санъаткорлар иштирокида концертлар уюштириш, фахрийларнинг санаторийга яқин жойлардаги тарихий қадамжоларга сайёҳатини ҳамда театрларга ташрифларини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Фахрийларни кузатиб келувчилар учун ҳам тегишли шароит яратилди.

Тизимдаги санаторийларда ҳафтада бир кунинг “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари куни” деб эълон қилиниши ва мазкур кунда уларга эътиборни янада кучайтириш ишлари амалга оширилиши ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, шифокорлар томонидан санаторийлар жойлашган ҳудуд атрофида яшовчи уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг саломатлиги назорат қилиб борилиши йўлга қўйилган.

Худди шу каби ишлар касаба уюшмалари тизимидаги “Бўстон” санаторийсида ҳам амалга оширилди. Ушбу шифо масканида уруш ва меҳнат фахрийларини соғломлаштириш учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида “Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари” бўлими ташкил этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бундан ташқари, санаторийда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий люкс ўринларга эга коттеж бинолари ишга туширилди. Даволаш диагностика бўлими замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Дам олувчи фахрийларга хушкайфият бағишлаш мақсадида фаввора, амфитеатр ишга туширилди.

Шунингдек, сиҳатгоҳда ободонлаштириш, биноларни жаҳон андозалари талаби даражасида жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Улар атрофидаги соя-салқин жойларга суҳбатлашув айвончалари, дам олувчиларга ором бахш этувчи ўриндиқлар ўрнатилди. Дам олувчиларнинг муолажалари самарадорлигини янада оширишни кўзлаган ҳолда санаторий ҳудудида фаввора барпо этилиб, ҳудуд ландшафтига янада кўрк берувчи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Сиҳатгоҳ ҳудуди турли-туман мевали ва манзарали дарахтлар билан бойитилди.

— “Бўстон” санаторийсига кираверишданоқ кишининг бахри-дили очилиб, касаллик унутилади, — дейди даволанувчи фахрийлардан бири. — Санаторийнинг даволаш омиллари — иқлим билан даволаш, физиотерапия, даволаш бадан тарбияси, маъданли ванналар, сузиш ҳавзаси ва душлар кўринишидаги турли сув билан даволаш усуллари, балчиқ билан даволаш кишини дарддан фориғ этиб, хушкайфият бағишлайди. Санаторий ошхонасида турли лаззатли парҳез таомлар, “витаминли стол” ташкил этилган. Муолажалар билан бир қаторда бу ерда барпо этилган Маданият саройи, кутубхона, спорт майдончалари, диққатга сазовор жойларга уюштирилаётган саёҳатлар даво муолажаларининг самарали бўлишига ҳисса қўшмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда уруш ва меҳнат фронти фахрийлари учун барпо этилган махсус бўлим ва хоналарни капитал таъмирлаш, санитар-маиший хоналарни фахрийларнинг имкониятига мослаштириш, хусусан, ҳожатхона ва ванналар ёнларига тиргагич ўрнатиш, зиналарда сирпанмаслик учун қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Хоналар янги қаттиқ ҳамда юмшоқ жиҳозлар билан таъминланиб, қўшимча ёруғлик мосламалари ўрнатилди.

Санаторийларда уруш ва меҳнат фронти фахрийларини тезкор ва навбатсиз қабул қилиш ҳамда тиббий кўрикдан ўтказиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Даволанишга келаётган ҳар бир фахрий учун алоҳида масъул ходим (шифокор ва ҳамшира) бириктирилган. Уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштириш ишлари сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида тизимдаги санаторийларда психолог штати жорий этилиб, малакали мутухассислар билан таъминланди. Сиҳатгоҳлар шифокорлари “Герантология” йўналишида ўқитилиб, малакаси оширилди.


Айни кунда отахон ва онахонларга тиббий муолажалар билан бир қаторда, психолог мутахассислар парвариши ҳам олиб борилмоқда. Шунингдек, фахрийларимизнинг ёши, умумий аҳволини инобатга олган ҳолда соғломлаштирувчи минерал ва витаминларга бой табиий маҳсулотлардан иборат овқатланиш рационига риоя этилмоқда. Бунда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган “Қариялар билан шуғулланиш учун психологларга тавсиянома” ҳамда “Кексаларни рационал овқатлантириш бўйича тавсиялар”нинг самараси катта бўлмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур тавсияларда кекса авлод вакилларини парваришлаш жараёнида улар психологиясидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, қарияларнинг модда алмашинуви фаолияти сустлигини инобатга олган ҳолда таомномага киритилиши мумкин бўлган оқсил ва витаминларга бой, осон ҳазм бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш, бунда 5 маҳал рационли таомномага амал қилиш борасида фойдали маслаҳатлар берилган.

Сиҳатгоҳда соғломлаштириш жараёнида фахрийларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг мароқли дам олишини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фахрийларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, маданий тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ мумтоз қўшиқлардан иборат концертлар, интеллектуал ўйин ва машғулотлар, суҳбат ва “Уч авлод учрашуви” каби маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, уруш қатнашчиларининг буюк алломалар қадамжоларига зиёрати ҳамда мустақиллик йилларида мамлакатимизда бунёд этилган диққатга сазовор масканларга саёҳатлари уюштирилмоқда. Театр, музей ва кўргазмаларга ташрифлари ташкил этилмоқда. Дам олаётган уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам кунлари арафасида бир пиёла чой устида мароқли суҳбатлар ташкил этилиб, улар эсдалик совғалари билан тақдирланмоқдалар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ЭҲТИРОМ

Ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда ёшларни миллий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

16-17 ёшларда эдим. Хўжайли, Шуманай туманлари ерини сув билан таъминлаш мақсадида “Суанли” каналини қазиш ишлари бошлаб юборилди. Қорақалпоғистонлик ва хоразмлик минглаб одамлар қатори мен ҳам қазиш ишларида қатнашдим. Меҳнатимиз кунбай ҳисобида баҳоланар, топганимизга қорин тўймасди.

Армия сафига 1943 йил сентябр ойида чақирилиб, 2-Белорус фронтида хизмат қилдим. Жангларда икки маротаба оғир жароҳат олдим.

Уруш тугагач ҳам аҳвол яхши бўлгани йўқ. Одам бошига бериладиган 200 грамм қора нон билан қорин тўймаслиги маълум. Сабр-тоқат билан яхши кунларни кутиб яшадик. Худога шукур, орзу қилган замонамизга эсон-омон етдик. Умр йўлдошим Ҳамида Юсупова билан ўн фарзандни вояга етказдик. Ҳар сафар байрамларда, оилавий тадбирларда катта дастурхон атрофида фарзандлар билан невара-чевaралар йиғилса, уйимиз тўйхонага айланиб кетади. Юртимиздаги тинчликка, ободликка, тўкинсочинликка асло кўз тегмасин. Шукроналик қилишдан, болаларимга насиҳат беришдан, Юртбошимизни дуо қилишдан чарчамайман. Бугун мен учун дарё устига солинаётган кўприклар, тезюрар поездлар, Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар хил русумдаги замонавий машиналар, янги лойиҳаларда барпо этилаётган обод шаҳару қишлоқлар, фаровонлигимиздан дарак берувчи бозорлар барча-барчаси қадрли. Яқин йигирма йил ичида мамлакатимизда руй берган ўзгаришлар, янгиланишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Жорий йилда биз нуронийлар учун берилаётган эътибор, эъзоз ҳар қачонгидан ҳам юксаклигини кўриб хурсанд бўлаяпман. Халқимизда “Ўз қадрини билмаган, ўзганинг қадрини қаердан билсин”, — деган ибратли гап бор. Озод ва обод ватанимиздаги тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига етмоғимиз керак.

Нурулла ИСАКОВ,
Уруш фахрийси

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР

Қизилтепа туманида 20 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 102 нафар меҳнат фронти фахрийси чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Касаллиги аниқланган беморлар, якка-ёлғиз ногирон ва уруш фахрийларига бепул дори-дармон берилди. 6 нафар бемор вилоят шифохоналарига йўлланма олди. 16 нафар отахон ва онахонга юртимиздаги санаторийларда соғлигини мустаҳкамлаши тавсия этилди.

Раъно ЖУМАЕВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қизилтепа туман кенгаши раиси

2015-yil 2-may, shanba, № 54-55 (3560), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ ЧИПТА

Санаторийларга бораётган уруш ва меҳнат фронти фахрийлари темир йўлдан бепул, ҳаво транспортларидан эса 50 фоиз чегирма билан чипта олиши белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига темир йўл транспортида бепул юриш ва ҳаво транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, республикамизда фаолият кўрсатаётган санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ҳар йили бир марта бориш ва келишда темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқи, шунингдек, ҳаво транспортидан фойдаланганда йўл ҳақи қийматининг 50 фоизи миқдорида имтиёзлар берилиши белгиланди.

Шунингдек, I гуруҳ ногирони бўлган уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ўзларини кузатиб бораётган бир шахс учун ҳам бепул ва имтиёзли юришга чипта олиш ҳуқуқига эгадир.

— Июн ойида Сурхондарё вилоятидаги сиҳатгоҳлардан бирида даволанмоқчи эдим, — дейди оққўрғонлик меҳнат фронти фахрийси Одина Авазова. — Даволанишим учун бепул йўлланма билан таъминланишим тўғрисидаги хабар мени жуда қувонтирди. Сиҳатгоҳга келиним кузатиб борадиган бўлганди. Фахрийларга яна бир янгилик — даволаниш учун кетаётганда бепул темир йўл чиптаси билан таъминланиш тўғрисидаги имтиёз берилганини эшитиб, қувончимга қувонч қўшилди. Билишимча, энди мени сиҳатгоҳга кузатиб борадиган келиним ҳам бепул чипта билан таъминланаркан. Юртимизда биз фахрийлар учун ҳар томонлама қулай имкониятлар яратилаяпти. Айниқса, соғлиқни сақлаш масаласидаги ҳукумат қарорларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Жумладан, бир қатор зарур дори воситалари билан бепул таъминланиб келаман. Қишлоқ врачлик пунктида ишлайдиган дўхтир қизлар доимо ҳолимдан хабар олиб туришади.

Бепул ва имтиёзли юриш ҳуқуқи 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 декабрдаги 361-сонли қарори билан тасдиқланган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланма олган уруш ва меҳнат фронти фахрийларига берилади.

Фахрийлар имтиёзли чипта олиш (сотиб олиш) учун “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси ёки “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг тегишли кассасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

паспорт нусхаси;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) маркази томонидан берилган уруш ва меҳнат фронти фахрийси учун республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасасига йўлланманинг нусхаси;

уруш фахрийси гувоҳномаси ёки 1941-1945 йилларда меҳнат фронтида иштирок этганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.

Ўзгаларнинг ҳамроҳлик қилишига муҳтож бўлган ногиронликнинг I гуруҳига кирувчи уруш ва меҳнат фронти фахрийлари унга ҳамроҳлик қилувчи шахс тўғрисидаги маълумотни ҳам тақдим этади (паспорт ҳамда ҳамроҳлик қилувчи шахснинг номига бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) маркази томонидан берилган республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасасига йўлланманинг нусхаси, уларнинг асли тақдим этилган ҳолда).

Уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг бепул ва имтиёзли юришини таъминлаш харажатлари Давлат бюджетидан қопланади.

Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлими юрисконсульти

СОЛИҚ

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Бугун фарзандларимиз пухта билим олиш, иқтидорини намойиш этишга астойдил интилмоқда. Ташаббус ва ғояларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбир ва тақдимотлар улар учун ўзига хос парвоз майдони вазифасини ўтамоқда.

Жумладан, вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси ҳамкорликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 2015 йилда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларига киритилган ўзгаришлар, шунингдек, солиқ солишнинг айрим масалаларига бағишланган семинар-тренинг ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Маълумки, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчи ёшлар учун солиқ ва тўловларда катта имтиёзлар мавжуд. Чунончи, Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгартишларга кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган пайтидан бошлаб ўн икки ой ичида фаолияти қатъи белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Битирувчилар учун ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларнинг солиқ тўғрисидаги билимини ошириш билан бир қаторда мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишига замин яратади.

Ҳамдам БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида сувдан фойдаланишда тежамкор технологияларни жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар” мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

Анжуманда вазир ўринбосари Ш.Ҳамроев маърузаси тингланди.

— Мамлакатимизда интенсив боғлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай боғларнинг афзал томони шундаки, кўчатлар қисқа муддатда мўъжазгина дарахтларга айланади ва мўл ҳосил беради. Суғориладиган ер майдонларини суғориш ҳақида гап борадиган бўлса, бугунги кунда айниқса, томчилатиб суғориш технологияси қўл келмоқда. Томчилатиб суғорилганда, энг аввало, сув тежалади ва илдизлар бир маромда қониб сув ичади, — деди у.

Вазирликнинг сув ресурслари баланси ва сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ш.Қўчқоров эса соҳада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Таъкидландики, жорий йилда мамлакатимизда 5347 гектарда томчилатиб, 11293 гектарда эгатга плёнка тўшаб, 7628 гектарда кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш усулларини қўллаш режалаштирилган. Шунга асосан ишлаб чиқилган Давлат дастурига киритилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш лойиҳаларини амалга оширишда фермер хўжаликлари ва бошқа ер эгаларига Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармасининг кредит линияси ҳисобидан республика бўйича 10 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар тижорат банклари орқали йиллик 6 фоизли имтиёзли кредит сифатида тақдим қилиниши белгиланган.

Тадбирда ана шулар ҳақида атрофлича фикр юритилди. Журналистлар саволларига тўлақонли жавоб олди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
“Ishonch” мухбири



Жиззах вилояти Дўстлик туман тиббиёт коллежида битирувчиларни барқарор иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1 минг 170 дан зиёд ўқувчини ўз бағрига олган таълим масканида ҳамширалик иши, даволаш иши каби йўналишларда ўрта бўғин мутахассислари тайёрланади. “Ибн Сино издошлари”, “Ёш технолог”, “Ўсимликшунос”, “Анатом”, “Ёш жарроҳ”, “Терапевт” каби тўгаракларда ўқувчилар билими янада мустаҳкамланаётир. Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда қўшни туманлар тиббиёт муассасалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида ўқувчилар жойларда амалий машғулот ўтамоқда. Жорий ўқув йилида коллежни тамомлайдиган 280 нафар битирувчининг бандлигини таъминлаш бўйича ҳам ҳамкор муассасалар билан уч томонлама шартнома тузиш ишлари олиб борилмоқда.

Суратда: Дўстлик туман тиббиёт коллежи ўқувчиси Фарангиз Ашурқулова.

ЎзА фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ олган сурат

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

ЙЎЛЛАРИМИЗ СОЗ БЎЛСИН!

“Ўздавтемирйўлназорат” давлат инспекциясининг Тошкент филиали Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларидаги темир йўлларда, ушбу ҳудудлардаги вазирлик ва идораларнинг шохобча йўлларида ҳаракат хавфсизлигини назорат қилади. Маълумки, поездлар қатновида хавфсизлик талабларига амал қилиш кутилмаган нохушликларнинг олдини олиш гарови ҳисобланади. Бироқ, ўз шохобча йўлларига эга корхоналарнинг барчаси бу талабларга бирдек амал қилаяпти деб бўлмайди. Натижада шохобча темир йўлларидаги ҳаракат билан боғлиқ салбий ҳолатлар учраб турибди.

Айниқса, Ангрен бекатига туташган “Ўзбеккўмир” АЖ, Ақча темир йўл бекатига туташган “Янги Ангрен ИЭС” АЖ, “Автосаноаттерминал” корхоналарида мазкур масалага жиддий эътибор қаратилиши зарур. Ушбу корхоналарга қарашли темир йўлларда вагонларнинг шикастланишидан кўрилган зарар миқдори йўлларни таъмирлаш ва ходимлар малакасини ошириш учун сарфланаётган маблағдан ошиб кетмоқда.

Салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида инспекциянинг Тошкент филиали томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган шохобча темир йўллари мавжуд бўлган корхоналарнинг мутасадди ходимлари иштирокида “Очик эшиклар куни” ўтказилди. Йиғилишда шохобча темир йўлларида юзага келаётган муаммолар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди. Шунингдек, бир қатор корхоналарда профилактик ишлар олиб борилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди.

Хусниддин ОТАХЎЖАЕВ,
“Ўздавтемирйўлназорат” давлат инспекциясининг Тошкент филиали бошлиғи

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Вақтинча бошқа ишга ўтказиш тартиби қандай амалга оширилади?

Н.ХОЛБОЕВА, Фарғона шаҳри


ЖАВОБ: Ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 93-, 96-моддаларида белгиланган. Унга кўра иш берувчи билан келишувга асосан ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, ходимга унинг аввалги иши берилиши шарт. Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин. Агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходимларнинг соғлиги ҳолатига кўра вақтинча енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш, шунингдек, ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча ана шундай ишга ўтказиш МКнинг 218-, 226- ва 227-моддаси назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлигига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномасида кўрсатилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.



Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига биноан ҳамда ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун унинг аризаси, ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун эса, уларнинг аризаси ва тиббий хулоса асос бўлади.

Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ишлаб чиқариш зарурияти ёки ишда бекор туриб қолиш фактининг мавжудлиги асос бўлади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Саволга Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири О.ҚОЗИХОНОВА жавоб берди.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизнинг иш фаолиятингизга Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларнинг рухсатисиз, тегишли ҳужжатларсиз ноқонуний аралашувларга йўл қўйиш, ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда қонунга зид ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйилганда зудлик билан ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги “ишонч телефонлари”га қўнғироқ қилишингиз мумкин.

ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси	0-371-234-01-09
Қорақалпоғистан Республикаси ИИВ ЁХБ	0-361-223-19-86
Андижон вилояти ИИБ ЁХБ	0-374-223-18-96
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ	0-365-222-82-85
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ	0-372-223-56-10
Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ	0-375-221-14-64
Навоий вилояти ИИБ ЁХБ	0-436-770-25-73
Наманган вилояти ИИБ ЁХБ	0-369-227-31-38
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ	0-366-233-51-00
Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ	0-376-223-21-81
Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ	0-367-226-08-58
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ	0-371-261-64-36
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ	0-371-234-50-98
Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ	0-373-244-68-14
Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ	0-362-227-24-11

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

ОГОҲЛИК

КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ

Одам савдоси жиноий фаолиятнинг ўта хавфли ва таҳқирловчи туридир. Эксплутация қилиш, “товар” сифатида сотиш, турли омиллардан фойдаланиш орқали даромад орттиришни кўзлаб, жирканч ишларга қўл ураётган кимсалар, афсуски, кўплаб топилади.

Дунёда ҳар йили юз минглаб киши ана шу жиноят комига тортиляпти. Ачинарлиси, қурбонларнинг асосий қисмини аёллар ва норасида болалар ташкил этмоқда.


Шунинг учун ҳам юртимизда ушбу жиноят йўлига тўсиқ қўйиш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сирдарё вилоятидаги минтақавий вакили вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг шу кунига қадар Оқолтин, Мирзаобод ва Сайхунобод туманларида 423 нафар ишчи-ходим иштирокида Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни моҳияти ва аҳамияти ҳақида семинар, давра суҳбатлари ўтказди. Уларда айниқса, хотин-қизлар одам савдосида энг кўп жабр кўраётганликлари инобатга олиниб, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда қатор иш ўринлари ташкил этилаётгани, шунингдек, ходимлар меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазасини таъминлаш учун вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланаётгани таъкидлаб ўтилди.

Ширинай УМАРАЛИЕВА,
Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●







ЎзА суратлари

БАРКАМОЛЛИК МАКТАБИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Наинки менинг, кўпчиликнинг дилидаги орзу ниҳоят амалга ошди. Президентимиз ташаббуси билан ҳудудларда замонавий спорт иншоотлари барпо этила бошланди. Қулай шароитлар муҳайё қилинди. Натижада бизнинг маҳалламиздан ҳам ўнлаб ёшлар вилоят, мамлакат чемпионатларида иштирок этиб, мақтанишга арзигулик ғалабаларга эришди. Уч нафар қишлоқдошимиз эса ҳатто Европада ўтказилган мусобақаларда қатнашишга муваффақ бўлди.

БУГУН

Ғулом ака ҳақ. Чиндан ҳам Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил топганидан буён мамлакатимиз спортида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилди. Биргина, Андижон вилоятида 2003-2013 йилларда 150 та спорт иншооти, мусиқа ва санъат мактаблари янгидан қурилди ва капитал реконструкция қилинди. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 162 минг нафардан зиёд ўқувчи ушбу иншоотларда шуғулланмоқда. Уларнинг 134 минг нафари қишлоқ ёшларидир. Уларга қарийб 4 минг нафар олий ҳамда ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчи-мураббий спортнинг 57 тури бўйича сабоқ беришяпти. Устозларнинг 15 нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий"дир.

Ўтган йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Андижон вилоят филиали ҳамда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 550 дан зиёд спорт тадбири ташкил этди. Шундан 110 тага яқини вилоят миқёсида ўтказилди. Тадбирларда вилоятдан 54498 нафар спортчи ёш қатнашди, уларнинг 22641 нафари қизлардир. Чунончи, июн, июл, август ойларида Халқ таълими вазирлиги совриние учун республикадаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчилари ўртасида спортнинг 18 тури бўйича уч босқичли мусобақалар бўлиб ўтди. Вилоят вакиллари юртимизнинг бир қатор ҳудудларида ташкил этилган финал босқичларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Андижон вилояти умумжамоалар ҳисобида биринчи ўринга сазовор бўлди. Бундан ташқари, йил давомида Андижон шаҳридаги замонавий спорт иншоотларида бадиий гимнастика, енгил атлетика, юнон-рум кураши, қўл тўпи, баскетбол, волейбол бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари уюштирилди.

2014 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига 11 та иншоот, жумладан, II тип болалар спорт мажмуаси, 5 та умумтаълим мактабида спорт заллари, 2 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши, Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Болалар мусиқа ва санъат мактаби реконструкция қилиниши, шунингдек, Болалар ва ўсмирлар гимнастика мактаби капитал таъмирланиши режалаштирилганди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 13 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Вилоятдаги 327 та умумтаълим мактабининг спорт зали ҳамда 47 та болалар спорт иншооти учун умумий қиймати 102 миллион 530 минг 600 сўмлик спорт жиҳозлари олиб келинди.

— Вилоят халқ таълими бошқармаси ва "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти биргаликда 2004-2012 йилларда вилоятда барпо этилган спорт иншоотларини қайта жиҳозлаш бўйича зарур спорт жиҳозларининг эхтиёж миқдори шакллантирилди, — дейди жамғарманинг вилоят филиали директори Неъматилло Абдураҳмонов. — Унга кўра, 378 та умумтаълим мактабига шу кунга қадар умумий қиймати 1 миллиард 428 миллион сўмлик, 2014 йилда қурилиб фойдаланишга топширилган янги спорт иншоотларига эса умумий қиймати 330 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилди. Барпо этилган иншоотларда қўшимча 1500 дан зиёд ўқувчининг спорт билан шуғулланиши учун имкон яратилди.

НАТИЖАЛАР ЧАККИ ЭМАС

Халқаро мусобақаларда эришилаётган натижалар ҳар бир андижонликни қувонтиради. Жамғарма маблағи ҳисобидан халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ёшлар устозлари, юртдошлари ишончини оқламоқда. Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилсак. Яқин йилларда сузувчилардан Шоҳсанам Тошпўлатова, Нодира Шамсиддинова Францияда, Фотима Амилова Қатарда, синхрон сузиш бўйича Дилрабо Аҳмедова Малайзияда, қўл тўпи бўйича Фотима Юсупова, Гулсанам Эркинова, Ҳилола Қодиржонова Италияда ўтган мусобақаларда шоҳсупага кўтарилди.

Наинки мамлакатда, жаҳонда ҳам Андижон бокс мактаби алоҳида тилга олинади. Мустақиллик йилларида етук устоз-мураббийлар қўлида тарбия топган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров, Темур Туляков, Қаҳрамон Орзиқулов, Баҳодир Султонов, Ботир Маҳмудов сингари ҳамюртларимиз нуфузли халқаро мусобақалар, жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этиб, ажойиб ғалабаларни қўлга киритишди. Бу эса шубҳасиз, улар ортидан улғайиб келаётган болалар учун ибратдир. Бугун ана шу чемпион ёшлар мураббийлиги остида шуғулланаётган юзлаб боланинг аксарияти мамлакат миқёсидаги мусобақаларда катта натижаларга эришаётганлиги ҳам бор гап.

Республика ва Осиё чемпионатлари, халқаро турнирларда эришилаётган муваффақиятлар яратилаётган шарт-шароитлар самараси, албатта.

СПОРТ БУЮМЛАРИ — ЎЗИМИЗНИКИ

Спорт инвентарлари ва жиҳозлари ишлаб чиқариш масаласига алоҳида эътибор берилиши натижасида ҳозирда вилоятдаги 7 та корхонада 80 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Андижон шаҳридаги "Ўз Тонг Хонг Ко" қўшма корхонасида спорт анжомлари тайёрлашга ихтисослашган цех ташкил этилди.

Яна бир жиҳати, 2013 йилдан бошлаб вилоятда янги спорт жиҳозлари, жумладан, стол теннис тўри, катта теннис ракеткаси, гимнастика халқаси, спорт сумкаси, гимнастика гилами ва болалар футболкаси, шахмат-шашка тўпламлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Шу жумладан, хитойлик ишбилармонлар иштирокида ташкил қилинган "Ҳамкор Грант Спорт" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонада жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган татами, кураш гилами, катта теннис ракеткаси, ҳалқа ва барча турдаги спорт тўрлари тайёрланаётир.

Бу жараёнда тадбиркорларнинг ҳиссаси ҳам кенгайиб бораяпти. Хусусан, Андижон туманидаги "Паноҳ люкс сервис", Балиқчи туманидаги "Хўжаобод", "Қувват-ул камол", Избоскан туманидаги "Андижон-Марғилон спорт анжомлари" сингари қатор МЧЖ ҳамда хусусий корхоналарда замонавий технологиялар асосида спорт либослари, турли буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

ШИФОКОР ЭЪТИРОФИ

— Болаларнинг спортга кенг жалб этилиши уларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб улғайишига, иродаси тобланишига хизмат қилади, — дейди Асака тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари Каримжон Қаҳҳоров. — Кузатувларга кўра, спорт билан доимий равишда шуғулланиб, чиниққан ўғил-қизлар орасида турли касалликларга чалиниш ҳолатлари кескин камаймоқда.

Узоққа бормасдан, ўз оиламдан мисол келтирай. 7-синфда ўқийдиган жияним Асилбек сал нимжон ўсди. Беш йил аввал уни спортга жалб этишга қарор қилдик. Кейинги пайтларда эса кикбоксингга қизиқиб, туманимизда очилган спорт залига қатнай бошлади. Бунинг натижаси тезда билинди. Ҳозир у анчайин бақувват, соғлом улғаймоқда. Қувонарлиси, бундан икки ой аввал кикбоксинг бўйича республика чемпионатида 2-ўринни эгаллади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ва ёш авлод камолотига қаратилган эътибор ва ғамхўрлик бугун ўз мевасини бермоқда.

Нурилло НЪЪМОНОВ,
"Ishonch" мухбири

"КАСАБА-ТУР"

Шу куни Бухоро шаҳрининг Муҳаммад Иқбол кўчаси ҳаваскор велоспортчилар ва ишқибозлар билан тўлди. Бу ерда корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатлигини тиклашга кўмаклашиш, уларни турли касб касалликларидан асраш, велоспортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган "Касаба-тур" веломарафонининг вилоят босқичи ўтказилди.

МАҲОРАТ СИНОВИ



20-35 ёшли ҳаваскор велоспортчи аёллар ўртасидаги баҳсларда Бухоро шаҳридаги 18-БЎСМ ходимаси Елена Медведова юқори маҳоратга эга эканлигини намойиш этиб, ғолиб бўлди. Ромитан туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Рухсора Неъматова ҳамда Олот қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Шаҳноза Ибодова совриндорлар сафидан ўрин олди.

Номинациялар бўйича ҳам ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Унга кўра Бухоро шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти ходими, Евгений Гимаев "Энг ёш пойгачи", "Ўзбекистон почтаси" АК Бухоро шаҳар филиали ходими Содиқ Раҳимов ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходимаси Гулруҳ Музаффарова "Ғалабага бўлган интилиши учун", мазкур бирлашма ходимаси Гулноз Шаҳриёрова "Энг маҳоратли пойгачи", Ромитан туманидаги 12-умумтаълим ўрта мактаби ўқитувчиси Зинаида Атоева "Энг фаол аёл пойгачи" номинацияларига муносиб топилди.

Ғолиб ва совриндорлар касаба уюшма ташкилотлари томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Мусобақанинг қуйи босқичларида ғолибликка эришган 300 нафарга яқин ҳаваскор баҳсларга киришди. Дастлаб эркаклар ўртасида 20-35 ёшлилар 10 километр масофада ўз маҳоратини синовдан ўтказди. Омад Бухоро шаҳридаги "Нефтгазтадқиқот" АЖ ходими Дмитрий Красновга кулиб боқди. У маррага биринчи бўлиб етиб келди. Иккинчи ва учинчи ўринлар вилоят марказидаги 11-поликлиника ходими Фурқат Жумаев ҳамда "Ватанпарвар" ташкилоти вакили Алишер Фозиловга насиб этди.

— 56 ёшдаман. Ёшлигимдан велосипед ҳайдашни яхши кўраман. Ҳамон у менинг яқин ҳамроҳим. Ишга ҳам ана шу қулай транспорт воситасида қатнайман. Саломатлигимни асрашда фойдаси тегаяпти. Оиламизда ўғил-қизларим, набираларим ҳам велосипедда юришни хуш кўришади. Касаба уюшмалари веломарафонни ташкил қилиб, ҳаммамизни мамнун этди. Ўтган йили ушбу тадбирда қатнашдим, лекин совриндорлар сафига киролмагандим. Янада жиддийроқ шуғулланишга тўғри келди. Бу йилги натижамдан мамнунман, — дейди 35 ёш ва ундан катталар беллашувида 5 км. масофада биринчи ўрин соҳиби, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси боғбони Абдукарим Саидов.

Ушбу гуруҳда ромитанлик Фазлиддин Эргашев ва қоракўллик Зафар Аҳмедов кейинги ўринларни эгалладилар.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
"Ishonch" мухбири

Шаҳримиздаги "Ёшлар" спорт мажмуасида Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва Ёшлар кенгаши томонидан "Касаба-тур" веломарафонининг вилоят босқичи ташкил этилди.

Айниқса, Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан 15 нафар 80 ёшдан ошган меҳнат фахрийсининг мусобақага жалб этилиши, диққатга сазовордир. Велосипед билан стадионга ташриф буюрган отахонлар олқишлар билан кутиб олинди.

Кексаларнинг оқ фотиҳаси, карнай-сурнай садолари остида бошланган веломарафонда жами 140 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг 12 нафари Тошкент шаҳрида ўтказиладиган веломарафоннинг Республика босқичида иштирок этади.

Н.НУРМОНОВА,
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Велоспорт

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Болалар ва ўсмирлар ўртасида "Rumi Games" анъанавий халқаро спорт ўйинлари ғолиб ва совриндорлари аниқланди.



Бешинчи бор ташкил этилган турнирда ҳамюртимиз Даря Матафанова велоспортнинг Критериум пойгаларида кумуш медал билан тақдирланди.

Шу тариқа Даря ўтган йилги натижасини янада яхшилашга муваффақ бўлди. Эслатиб ўтамиз, ўшанда Даря Матафанова бронза медали совриндори бўлган эди.

Оғир атлетика

Иорданияда оғир атлетика бўйича ёшлар ва катталар ўртасида Осиё кубоги баҳслари ўтказилди. Қитъанинг ўнта давлатидан келган 70 нафар спортчи иштирокида бўлиб ўтган мусобақада оғир атлетикачиларимиз 15 та олтин, 12 та кумуш медални қўлга киритишди.

САЛМОҚЛИ НАТИЖА



Инчеонда бўлиб ўтган XVII ёзги Осиё ўйинларининг бронза медали совриндори Сардорбек Дўстмуродов вазни 105 кг.дан юқори бўлган полвонлар мусобақада даст кўтаришда 155 кг., силтаб кўтаришда эса 220 кг. тошни ўзига бўйсундира олди ва иккикураш якунлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эришиб, Осиё кубогининг учта олтин медалини ўз коллекциясига қўшиб қўйди.

Вазни 77 кг. гача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида иштирок этган 18 ёшли Шаҳзод Худойберганов даст кўтаришда 135 кг., силтаб кўтаришда эса 160 кг. натижани қайд этиб, ёшлар орасидаги мусобақада олтин ва 2 та кумуш, катталар ўртасидаги мусобақада эса олтин ҳамда 2 та кумуш (жами 2 та олтин, 4 та кумуш) медалга сазовор бўлди.

Эътиборлиси, Иорданияга йўл олган 5 нафар спортчимизнинг деярли барчаси ҳам ёшлар, ҳам катталар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

Жумладан, оғирлик вазни 105 кг. гача бўлган ёш спортчилар ўртасида ўтказилган мусобақада Азимжон Ғаниев 3 та олтин медал соҳибига айланган бўлса (даст кўтаришда 140 кг., силтаб кўтаришда 185 кг., иккикураш якунларига кўра 325 кг.), катталар ўртасидаги мусобақаларда олтин ва 2 та кумуш медал совриндори бўлди.

Ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, андижонлик Рўзимурод Асланов (-56 кг.) даст кўтаришда 100 кг., силтаб кўтаришда эса 125 кг. тошни ўзига бўйсундириб, ҳар икки мусобақада ҳам рақибларидан анча ўзиб кетди. Бу эса, табиийки, спортчимизни иккикураш якунларига кўра ҳам энг юқори кўрсаткични қайд этишига замин яратди. Шу тариқа истеъдодли спортчимиз Осиё кубогининг бир йўла учта олтин медалига сазовор бўлди. Рўзимурод худди шу натижа билан катталар ўртасидаги мусобақаларда уч бор кумуш медал билан тақдирланди.

Вазни 85 кг. гача бўлган полвонлар ўртасидаги мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Суннатилло Шокиржонов ҳам даст кўтаришда 143 кг., силтаб кўтаришда эса 161 кг. натижани қайд этиб, иккикураш якунларига кўра 304 кг. кўрсаткичга эришди, у ҳам учта олтин медални терма ҳисобига қўшиб қўйди. Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчиси ушбу кўрсаткичлар билан катталар ўртасида учта кумуш медал соҳиби ҳам бўлди.

Футбол

Ўзбекистон терма жамоасининг "Жаҳон чемпионати — 2018" йўлланмаси учун иккинчи саралаш босқичидаги уй ўйинлари жойи ва вақти маълум қилинди.


ЖОЙ ВА ВАҚТ АНИҚ

Осиё футбол конфедерацияси учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти бўйича Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан берилган таклифни қабул қилди. Унга кўра вакилларимиз уй учрашувларининг барчасини "Бунёдкор" стадионида ўтказадиган бўлди.

Яманга қарши кечадиган дастлабки уй учрашуви 2015 йилнинг 3 сентябрида, соат 19:00да бошланади. Шу йилнинг 12 ноябр санасида бўладиган Шимолий Кореяга қарши ўйин эса соат 18:00га белгиланди. Шунингдек, 2016 йилнинг 24 мартида бўладиган Филиппинга қарши ўйин ва 29 март куни ўтказиладиган Баҳрайнга қарши учрашувлар ҳам 18:00да бошланади.

Каратэ

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ



Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида клублар ўртасида Осиё чемпионати якунига етди. Иккинчи маротаба ўтказилган мусобақада йигирмага яқин давлатдан келган 450 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Эътиборлиси, Ўзбекистон каратэ мактаби вакиллари қитъада етакчилардан бири эканини амалда яна бир бора исботлади.

Мусобақанинг яккама-якка баҳсларида терма жамоамиз аъзоларидан Иқбол Узоқов ва Садриддин Сайматов ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Фозил Собиров бронза медал билан тақдирланди.

Қизлар ўртасида Барно Мирзаева, Дилфуза Ниёзова ва Замира Алиева ўз вазн тоифасида иккинчи, Ҳилола Бадалова, Мадина Шокирова, Дилноза Бакирова, Мафтуна Самадова, Наргиза Мадорипова, Баҳринисо Бобоева, Нодира Мамадалиева учинчи ўринни эгаллади.

Жамоавий кумитэ баҳсларида каратэчи қизларимизга битта олтин ва иккита бронза насиб этди. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда эса кумуш медал қўлга киритилди. Жамоавий ката баҳсларида қизларимиз учинчи ўринга лойиқ топилди.

Муросасиз курашларга бой кечган мусобақада вакилларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи бўлишди. Биринчи ўринни Эрон терма жамоасига, учинчи ўрин Қозоғистон вакилларига насиб этди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

2015-yil 2-may, shanba, № 54-55 (3560), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ОСУДАЛИК ТАРАННУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мураккаб муҳандислик иншоотларидан бири ҳисобланган бу фавворалар аждодларимизнинг меъморчилик санъати нақадар юксак бўлганидан далолат бериб, ўша даврда бу ерга ташриф буюрган сайёҳ-у меҳмонларнинг “ақлини шоширган”. Хусусан, Испания элчиси Клавихо соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг Дилкушо боғида бўлганида у ердаги мўъжаз иншоотни кўриб, бениҳоя ҳайратга тушган ва: “Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди”, дея ўз таассуротларини баён этган.

Ҳозир пойтахтимизда мавжуд фавворалар аксарияти истиқлол йилларида қурилди. Тошкент фавворалари ўзига хос жиҳати шундаки, улар шакл жиҳатидан бир-бирига ўхшамайди: бири гулга бурканган маҳобатли дарахтни, бири чўққидай баланд оппоқ алангани, бири қадрдон она сайёрамизни, бири улкан нилуфар гулни эслатса, яна бири Сангардак ва Жиззах шаршаралари каби кўзларни сеҳрлайди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри, “Саёҳат” меҳмонхонаси, “Маърифат маркази” рўпарасидаги фавворалар “рақс тушувчи” ёки бошқача қилиб айтганда, “куйловчи фаввора”лар дейилади. Амир Темур хиёбони, “Туркистон” саройи, Мирзо Улуғбек боғидаги фавворалар ҳам маҳобатли ва нозик меъморий шакли, серустун ва майда гумбазли жозибалари билан дилларни мафтун этади.

Ана шундай серҳашам фавворалардан бири, шубҳасиз, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театри қаршисида жойлашган гўзал ва мафтункор раққоса фавворадир. Ранг-баранг товланаётган сув томчилари моҳир дорбозларнинг чиқишларини эслатади. Мусиқага ҳамоҳанг тарзда қўкка сакраб, яна пастга шўнғиётган оби ҳаёт “дур”лари ортидан беихтиёр талпингандек бўласиз...

— Фаввора атрофидаги ёш болаларнинг шўх-шодон кулгулари, бир-бирлари билан қувлашмачоқ ўйнашларини кўриб, қалбни беғубор лик қамраб олади, — дейди ўзини Гуласал Худойбердиева деб таништирган келинчак. — Ўзим билан келган ўғлим ва қизимнинг ҳолатини эса ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Кўргазмага қўйилган расмлардан кўзлари қувнаб, санъаткорларнинг дилтортар қўшиқларидан масрур ҳолда гўё еттинчи осмонда учаётгандек...

Фаввора атрофида набираларини етаклаб юрган онахон-у отахонлар юз-кўзларида бахтиёрлик акс этган. Мумтоз мусиқаларни тинглаб, санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқларга рақсга тушаётган йигит-қизларнинг ҳаракатларида эса шоду хуррамлик мужассам. Барча-барчага зилол сувнинг сеҳрли куй остида бир неча метр юқорига кўтарилиб, ёрқин нурларга беланганча пастга тушиши олам-олам завқ улашади.

Фавворалар сайли муносабати билан ўтган маданий тадбирларда миллий қадриятларимизни улуғлаш, юртимизнинг бой тарихини англаш, ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш каби эзгу ишлар тарғиб этилди.

Ҳа, сув пуркаб турган фавворалар юртимизнинг тинчлиги, кўнгил хотиржамлигидан далолат беришгина қолмай, бугунги дориламон кунлар шукуҳи ва байрамларни севадиган халқимизнинг осуда ҳаётини тараннум этади. Зеро тинчлик-осудалик ҳукм сурган юртдагина улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бундай замонда улғаяётган авлод эса ҳар куни улкан марраларни забт этиб бораверади.

“Фавворалар сайли” Самарқандда ҳам кўтаринки руҳда ўтказилиб, вилоятнинг бир неча шаҳарларида маданий тадбирлар ташкил этилди.

Умида ИСМОИЛОВА.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Одам тез-тез шамоллаб, лабга ёки юз соҳасига учуқ тошса, аллергик ҳолатлар қайталанса, касалликдан тузалгандан кейин ҳам умумий аҳволи ёмонлашса, кайфияти тез-тез бузилса, терига тошмалар тошаверса, билингки, организмнинг иммун тизими сусайиб кетган.

ЭНГ ЯХШИ ДАВО — САЁҲАТ

Иммун тизими асаб ва эндокрин тизимлари билан ҳамкорликда фаолият юритади. Агар қўрқиш, ҳаяжонланиш сабабли асаб тизими “стресс” сигналини юборса, буйрак усти безлари дарҳол глюкокортикостероид гормонларни кўплаб ишлаб чиқара бошлайди. Оқибатда, қонда антителолар ва “қотил ҳужайралар” (Т-киллерлар ёки “тозаловчи санитарлар”) ҳосил бўлиши камайиб, организмнинг ҳимоя кучи заифлашади, киши инфекцион хасталикларга мойил бўлиб қолади.

Аксарият ҳолларда дори-дармонларни (айниқса, антибиотикларни) пала-партиш қабул қилган кишиларнинг иммун тизими шикастланади. Шундай вақтда бу тизим ёт микробларга эмас, балки организмнинг ўз тўқималарига қарши антителолар ишлаб чиқаради. Кейин эса касаллик ўчоғи юзага келади.

Кўпчилик одамлар иммун тизими ёмонлашса, табиий иммунстимуляторлар, масалан, женшен, лимонник, асал ва бошқалардан фойдаланишади. Булар чиндан ҳам асабни тинчлантириб, тонусни оширади, етишмаётган витаминлар ва микроэлементлар ўрнини тўлдиради, модда алмашинуви мувозанатини яхшилайди. Лекин ҳеч қачон бузилган иммун тизимни ўз ҳолига келтира олмайди. Бу нарсаларни қўшимча даво сифатидагина қўллаган маъқул. Одам янги гўшт ва сут маҳсулотлари, витаминларга бой мева-сабзавотларни истеъмол қилиши орқали иммун тизими ишини рағбатлантириши мумкин.

Организмни мустаҳкамлаш ва касалликларга чидамлиликни ошириш учун киши асаб-томир тизимини доимо машқ қилдириши зарур. Масалан, душда сувни контраст ҳолатда, яъни гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ қилиб чўмилиб туриш керак. Спорт билан шуғулланинг, эрталабки ҳавода (шабнамда ёки қорда) ялангоёқ юринг, саунада буғланиб, шифобахш гиёҳлар дамламаларидан ичиб туринг. Энг яхшиси, саёҳатга боринг, кўпроқ табиат оғушида бўлинг, асабни асранг.

Н.ШАРИПОВ,
олий тоифали шифокор

РУҲИЯТ ИҚЛИМИ

«ОЛТИНЧИ СЕЗГИ» ҲАҚИДА БИЛАМИЗМИ?



Ўн бешинчи асрда яшаган Низомиддин Хомуш бировнинг кўнглидагини тез илғаб олар, ҳатто ўзгалар дардини ўзида ҳис этар эди. Али Сафий “Ҳаёт булоғидан томчилар” асарида шундай ёзади: “Мавлоно Низомиддин Тошкентга келиб, бир неча кун бизнинг уйга тушди. Ҳузурларида ўтирардик, бирдан: “Оҳ, оғир юк босди, дарди қийинроғи келаётганга ўхшайди”, деб таниш аъёнлардан бирининг исмини айтди. Орадан кўп ўтмай, ўша киши кириб келди. Шунда мавлоно: “Келинг, хуш кўрдик, ўзингиздан аввал юкингиз келганди”, деди...” Асарда ёзилишича, бир куни мавлоно Низомиддиннинг қорни қаттиқ оғриб қолади, дарднинг кучлилигидан жонини қўйгани жой тополмайди. Маълум бўлишича, айнан ўша куни мавлононинг ўғли хамир таом устидан хом олма еб, қорни қаттиқ оғриб қолган ва дард мавлонога ўтган экан.

Бировларнинг фикрини сўзсиз ўқий оладиган кишилар ўтмишда кўп бўлган. Ҳозирги кунда ҳам давраларда “Сиз кўнглимдагини топиб гапирдингиз” ёки “Шу нарса тилимнинг учида турувди” каби гап-сўзлар қулоғимизга чалинади.

Хўш, аслида бу қандай рўй беради?

Ёз кунларида бола қишлоқдаги қариндошиникида дам оларди. Она эса бу пайтда ҳовлида кир юваётиб, бирданига кўнгли алланечук бўлиб кетди, ёқасига туфлади. Чунки тоғора ичида ўғлининг тасвири кўриниб, сувга ғарқ бўлаётгандек туюлди. Аёл дарров эрининг ишхонасига сим қоқди. Ўғлимизни бирров бориб кўриб келайлик, деди. Эр иши кўплиги важидан кечқурун боришини айтиб, гўшакни қўйди. Аёл бир амаллаб кунни кеч қилди. Эндигина кийинаман деб турганида дарвоза тақиллади. Югуриб чиқса, қариндошлари экан. Хунук хабар келтиришибди: аёлнинг ўғли болалар билан чўмилишга бориб, сузишни билмагани учун сувга чўкиб кетибди...

Хўш, одам нима учун айрим нарсаларни олдиндан ҳис этади? Бундай “сезгирлик”ни психологлар қай тарзда изоҳлайди? Кучли сезгига эга бўлган шахслар кўпинча ўзи билан боғлиқ, айрим ҳолларда эса ўзгалар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни сезиб, кўнгил “кўзи”дан ўтказиш қобилиятига эга. Бунда бошқа бир шахс туртки вазифасини ўтайди. Аниқроқ тушунтирамиз. Бизнинг бош миямизда сон-саноқсиз нейронлар мавжуд. Бу нейронлардан айримлари бошқа бир шахс тарқатаётган “биомайдон” (аниқроғи “биоток”)ни қабул қилиб олгач, асаблар марказида қўзғалиш ҳосил бўлади. Сўнг бу марказ ўз-ўзидан “акс эттириш”ни юзага келтиради. Бўлиши кутилаётган воқеа шу акс эттириш орқали илгаридан аён бўлади.

Мана бир мисол: боғча тарбиячиси гуруҳдаги 30 нафар бола ичидан иккитасига алоҳида эътибор қаратади. Чунки ўша болалар ўта шўх, қайсар ва тўполончи. Тарбиячи эса шу икки болакайнинг бирорта қалтис ҳаракат қилиши ё йиқилиб тушишидан хавфсирайверади. Гоҳ-гоҳида шу кичкинтойлардан бирининг нимани дир синдириши ёки стулдан йиқилиб тушишини ўйлаб, турганида худди шу ҳодиса юз беради. “Ўзим ҳам ҳозир шуни кўнгилдан ўтказувдим-а!” деб юборади тарбиячи беихтиёр. Мана шундай воқеалар кутилган пайтда рўй беравергач, ўша шахсда бу борада тажриба тўпланади ва бора-бора у бирор нарсадан хавотирланишга ҳам чўчиб қолади.

Мутахассис олимларнинг таъкидлашича, инсон терисининг сиртида юзлаб биологик фаол нуқталар бор. Улар кўз илғамас нур сочади, бу нур одамнинг танасида ичма-ич жойлашган скафандрларга ўхшаш қобиқ ҳосил қилади. Бундай қобиқлар қуйидагича тартибда белгиланади:

— организмдан чиқадиган иссиқлик қобиғи;

— инсонни ўраб турган шаффоф (аура) қобиқ;

— биотоклар қобиғи.

Одам шу биотоклар орқали ён-атрофга маълумотлар “тўлқини”ни юборади, бу тўлқинни “тутиб” олувчи қобилият кимдадир кучли, кимдадир кучсиз бўлади. Биомайдони кенг, биотоклари кучли одам бу борада заифроқ бўлган кишидаги маълумотлар тўлқинини осонгина тортиб олади. Яъни иродаси бўшроқ кишининг фикрини осонгина ўқиб, ўзлаштиради. Янаям очиқроқ айтганда, биотоклари кучли киши биомайдони заифроқ одамнинг фикрларини ўзига бўйсиндиради ва унга эгалик қилади. Бу ҳолат “бир шахснинг иккинчи бир шахс фикрлари устидан ўрнатиладиган ҳукмронлиги”га ўхшаб кетади.

Қарангки, дунёқараши турлича ва билими жиҳатидан бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган кишилар ҳам бир-бировининг нима демоқчи бўлаётганини тезда тушунишлари мумкин экан. Масалан, чуқур билимга эга киши ўзидан кўра заифроқ, яъни ақлий меҳнат билан эмас, кўпинча жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган одамнинг фикрини тез ўқий олади. Баъзида бу ҳолнинг аксини кузатиш мумкин. Чунки айрим кишилар дунёвий билимлардан бехабар бўлишса-да, аждодларидан ўтган ноёб қобилият туфайли “узоқдан ҳис қилиш” хусусиятига эга бўлишади. Демак, бу кўпроқ инсондаги биомайдон ва биотокларнинг қай даражада эканлигига боғлиқ.

Шуни айтиб ўтиш керакки, узоқдан фикр узатиш қобилияти бор бўлган кишилар бора-бора бой тажриба тўплайдилар. Ҳатто кейинчалик жамоа жойларида кўпчиликнинг фикрини ўқиш имконига эга бўлишади. Аслида бу ҳам катта билим ҳисобланади. Мана шундай қобилият эгалари қадимда ҳам учраган. Масалан, Абдураҳмон Жомий одамлар кўз ўнгида қаттиқ ёғиб турган жалани тўхтатган экан. Баҳоуддин Нақшбанд бало-қазоларнинг олдини олувчи авлиё сифатида ном чиқарган. Хуллас, “учинчи кўз” соҳибларининг барчаси ён-атрофидагиларнинг муаммоларига ечим топишда ноёб қобилиятларига таянишган.

Аслида ички сезгирлик ҳаммада мавжуд. Лекин уни илғаб олиш, тўғри шарҳлаш ва ўз вақтида йўналтириш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Бундай хусусиятларга эга бўлган шахсларни учга бўлиш мумкин. Биринчиси, сезгирлиги ниҳоятда суст кишилар, улар “олтинчи сезги”дан унумли фойдаланишмайди. Иккинчиси, баъзи ҳолларда кўнгилларидан ўтказган воқеалар аниқ-тиниқ рўй берадиган шахслардир. Учинчиси, ўз ички сезгиларидан унумли фойдаланишади, улар ҳатто башорат қилиш қобилиятига эга бўлади. Буни соддароқ тушунтириш мумкин. Масалан, сезгирлик қобилияти бор киши ўзга шахснинг фикрини (бажармоқчи бўлган ҳатти-ҳаракати мазмунини) билиб олиш учун унинг асаб марказини фикран қўзғатади, ундаги бошқа асаб марказлари иши тўхтатиб қўйилади, шунда ўша шахсдан чиқаётган биотоклар (бош мияда) кучаяди. Натижада унинг фикрини ўқиш анча осонлашади. Демак, сезгир шахс рўпарасидаги (ёки бошқа жойдаги) кишининг амалга оширмоқчи бўлган ишини аниқ айтади.

Бир аёл бошидан ўтган шундай воқеани сўзлаб берганди:

— Ўғлим ошхона юмушида менга кўмаклашиш ниятида пичоқ олиб сабзи тўғрай бошлади. Худди шу пайт унинг ҳаракатини кузатаётиб, бу бола қўлини пичоқ билан кесиб олади-ёв, деган фикр хаёлимдан ўтди. Шу пайт ўғлимнинг “вой, қўлим” деган қичқириғини эшитдим. Қарасам, унинг қўлидан қон тизиллаб отилаётганди...

Ҳаммамизда ҳам “онголди” фаолияти мавжуд. Масалан, бўладиган воқеа-ҳодисаларни ўзимизча ич-ичдан режалаштирамиз. Биз режалаштирган ишлардан бирортаси айнан тасаввуримиздагидай чиқиб қолса, “ана, ўйлаганим бўлди” деймиз. Аслида бу сезгирлик эмас, балки бизнинг онголди фаолиятимиздир. Бу онгли равишда, яъни тартиб билан режалаштирилган ишнинг фавқулодда натижаси ҳисобланади. Сезгирлик эса аксинча, психологлар таъбири билан айтганда, “онгдан ташқари” фаолият асосида юзага келади. Чунки биз бошқа шахс миясидан бўлажак воқеани дарров ўқиб оламиз ёки бирорта ҳодиса ҳақидаги ахборотдан илғарироқ огоҳ бўламиз.

Умуман, ўзгалар фикрини осон ўқийдиган кишилар бугунги кунда ҳам кўп учрайди. Муҳими, ғаройиб қобилиятни, албатта, эзгуликка йўналтира билишда. Шундагина хислатли кишилар эл орасида янада иззат-ҳурмат топадилар.

Г.ЖАМИЛОВА
тайёрлади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST» МЧЖ

Сизларни 2015 йил 5 июн куни соат 11:00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига қуйидаги автомототранспорт воситалари бошқармаси Автокорхонаси балансидаги 1. 1992 йилда и/ч “УАЗ-3152” русумли, д.б. 50 348 FAA бўлган автотранспортвоситаси, бошланғич баҳоси — 721 000 сўм: 2. 1991 йилда и/ч “М-2141” русумли, д/б 50 332 ГАА бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 636 000 сўм: 3. 1989 йилда и/ч “ТМЗ-540202” русумли д/б 50 067 АА бўлган мототранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 269 000 сўм. Тўрақўрғон туман тиббиёт бирлашмаси балансидаги: 4. 1989 йил и/ч, “УАЗ-3152” русумли д.б. 50 238 JAA бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 703 000 сўм: 5.1988 йилда и/ч “ГАЗ-66” русумли д.б 16 АЕ 249 бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 1 779 000 сўм: 6.Чуст туман тиббиёт бирлашмаси балансидаги 1991 йилда и/ч “УАЗ-3962” русумли д/б 50 172 НАА бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 749 000 сўм: 7. Косонсой туман тиббиёт бирлашмаси балансидаги 1990 йилда и/ч “УАЗ-3152” русумли, д/б 50 486 FAA бўлган автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 692 000 сўм:

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 5 июн куни сотилмаган тақдирда, 2015 йил 12-, 19-, 26 июн ва 3-, 10-, 17-, 24 июн кунлари соат 11:00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига такроран киритилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 га қадар қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва мос равишда 2015 йил 4-, 11-, 18-, 25 июн ва 2-, 9-, 16-, 23 июл кунлари соат 11:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган “Закалат пули тўғрисидаги келишув”га асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини “IXTISOSLASHGAN AVTO SAVDO INVEST” МЖЧнинг “Ипак йўли” АИТБ Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН: 302948717, 20208000300332835001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: савдода иштирок этиш учун ариза, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, малакотли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш ва савдо ўтказиш манзили:Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уй (Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биносининг 1-қавати, 2-хона), телефон: (+99 890) 642-85-05.

www.avtosavdo.uz e-mail: info@avtosavdo.uz
Гувоҳнома № 07183

Хизматлар лицензияланган

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси “Юлдузча” болалар оромгоҳи раҳбари Зафар Шодиевга отаси

ХАЙРУЛЛА ШОДИЕВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

TSSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay’ati:
Abdulaziz Abdullayev, To‘lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug‘bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O‘rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o‘rinbosari)*, Akmal Toshev

BO‘LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e’lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg‘ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: N.Choriyev
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **00:40**
Topshirildi — **01:00**
1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq. Buyurtma Г — 515. 19209 nusxada bosildi. Nashr ko‘rsatkichi: 133